

Хораздалиев

Хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги  
ШАРТНОМА № 59

Балаев Ашмар Султамович  
Тўғриқалон тўғриқалон  
2022 йил «3» январь

Тошкент шаҳри

Бир тарафдан кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи МСНЖ “CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI”, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор Мусаева Дильноза Мирзахидовна шахсида, иккинчи тарафдан кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи Гурзонова Р. Жонидовна, асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ шахсида, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Буюртмачи” ўз зиммасига, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлмиш ўзининг аризасида кўрсатилган, кейинги мātида “Мижоз” деб номланувчи юридик шахсга “хизматлар” деб номланувчи соғломлаштириш ва диагностика хизматлари кўрсатишни топшириш, “Ижрочи” эса ўз зиммасига ушбу хизматларни “Мижоз”га кўрсатиш мажбуриятини олади. Аризада бир нечта шахс кўрсатилиши мумкин.

1.2. Хизматлар кўрсатиш жойи – МСНЖ “CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI”

1.3. Хизматлар йўлланмалар билан расмийлаш тирилади, “Буюртмачи” “Ижрочи” томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида тўлаш мажбуриятини олади.

1.4.	№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Миқдори
	1	12 кунлик курс йўлланмаси	дона	1	9 800 000	9 800 000

Йўлланма нархи: 9 800 000 сум (Туккиз миллион саккиз юз минг сум) ни ташкил қилади.

1.5. Йўлланма бўйича жойлашиш муддати 2022 йил “3” январдан 2022 йил “15” январгача. Умумий кунлар сони 12 (ун икки). Санаторияга жойлашиш ва чиқиб кетиш вақти соат 12 гача.

1.6. Қўшимча тиббий ва бошқа сервис хизматлар йўлланма нархига кирмайди, уларнинг ҳақи “Буюртмачи” ёки “Мижоз” томонидан “Ижрочи” ёки хизматлар кўрсатиш жойининг маъмурияти томонидан белгиланган нарх ва тартибда тўланади.

2. ИЖРОЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Ижрочи” қўйидаги мажбуриятларга эга:

- 2.1. Йўлланма(лар) ҳақи “Буюртмачи” томонидан тўланганидан сўнг унга ёки “Мижоз”га йўлланма бланкини бериш;
- 2.2. “Буюртмачи”га соғломлаштириш хизматларининг турини тўғри танлаш имкониятини таъминловчи керакли ва ҳаққоний маълумотлар бериш;
- 2.3. “Буюртмачи”ни йўлланма фақат унда кўрсатилган “Мижоз”(лар) учун ва фақат унда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий эканлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.4. “Буюртмачи”ни йўлланмалар кунлар йиғиндиси ва келганлар сонига қараб қайта ҳисобланмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.5. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) хизматлар кўрсатиш жойидаги янаш меъёр ва қоидаларини қўпол равишда бузишлари ҳолларида, у(лар)нинг яшashi муддатидан аввал бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиш. Бунда йўлланманинг қолдиқ қиймати қайтарилмайди;
- 2.6. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) “Ижрочи” айбисиз белгиланган муддатдан кечикиб келсалар (муддатидан аввал кетсалар), йўлланма нархи қайта ҳисобланмаслиги ва қолдиқ қиймати (қолган кунлар учун қиймати) қайтарилмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.7. Санаторияга 4 (тўрт) ёшга тўлмаган болалар қабул қилинмайди.

3. БУЮРТМАЧИ ВА МИЖОЗЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Мижоз”нинг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Бир йўлланма билан фақат йўлланмада исми-шарифи кўрсатилган шахсни мазкур шартноманинг 1.5.бандида белгиланган муддатда санаторияга етиб келиши.
  - 3.1.2. “Мижоз”лар йўлланма бўйича хизматларни олишлари учун ёнларида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:
    - йўлланма, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ҳамда санатор-курорт даво олиши учун унинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий ҳужжат - санатор-курортлар картаси (СКК).
  - 3.1.3. Жойидаги интизомни тартибга солувчи меъёрларга риоя қилиш.
  - 3.1.4. “Мижоз” зарар етказилган ёки йўқотилган санатория мулки ҳақини тўлиқ қоплаб бериш.
- 3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижрочи” хизматлари ҳақини тўлаш;

3.2.2. Келиш кунидан камида 15 календарь куни аввал хизматларни брон қилиш. "Буюртмачи" хизмати хабар бермаган ҳолда ва (ёки) "Ижрочи" хизматлари ҳақини тўламаган ҳолда келса, "Ижрочи" хизмати жойлашишига кафолат бермайди.

#### 4. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. "Буюртмачи" пул маблағларини "Ижрочи" ҳисоб рақамига ўтказиш ёки "Ижрочи" кассасига киритиш йўли билан хизматлар ҳақини тўлайди. Тўлов киритилган сана бўлиб пул маблағларининг "Ижрочи" ҳисоб рақамига келиб тушиши ёки "Ижрочи" кассасига қабул қилиниши санаси ҳисобланади. 100% олдиндан тўлов амалга оширилади. Йўлланмалар буюртмачи ишончномасида кўрсатилган шахсга ишончнома орқали берилади.

4.2. "Буюртмачи" томонидан тўлов "Ижрочи" томонидан ёзиб берилган ҳужжат асосида амалга оширилади.

4.3. Кўрсатиладиган хизматлар нархи ўзгарган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, "Буюртмачи" томонидан йўлланмага олдиндан утказилган пул маблағи учун қўшимча тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади.

#### 5. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, ҳар бир тўлов ўтказилмаган кун учун 0,4% гача миқдорда пеня тўловларини тўлайди, лекин бу пеня тўлов суммаси асосий тўлов суммасининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.2. Агар "Буюртмачи" ушбу шартнома бўйича хизматларни рад этса, "Ижрочи", қолган муддатга боғлиқ равишда, 50% гача неустойка тўланишини талаб қилишга ҳақли.

5.3. Бошқа ҳолларда тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар содир бўлса, тарафлар 5 кун ичида, шартнома шартларини аниқлаштириш мақсадида музокаралар олиб бориш учун, бу ҳақда бир-бирларини хабардор этишга мажбурлар.

#### 7. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиши, "Ижрочи" "Буюртмачи"ни хизматлар кўрсатилишининг барча шартлари тўғрисида хабардор этганлиги, "Буюртмачи" эса уларни қабул қилганлиги тўғрисида далилат беради.

Тарафлар шартнома нусхалари билан почта, электрон почта ёки факсимиль алоқа орқали алмашишлари мумкин.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган санадан кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади. Ушбу шартноманинг амалда бўлиши муддати давомида "Буюртмачи" хизматлар кўрсатилиши учун исталган миқдорда ариза бериши мумкин.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан сақланади.

#### 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

9.1. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаганда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳал этилади.

#### ТАРАФЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

МШҲ

"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI"

БУЮРТМАЧИ

100039, Тошкент шҳри, Юнусобод тумани,

Чинобод кўчаси 88а-уй

ХАТБ «ДАВР-БАНК» Юнусобод ф-л


Ўр: 2020 8000 9052 7456 2001

СТИР: 307 199 070477 MM: 01122

Тел.: (998 55) 503-30736

Директор

Мусулман



Тўлов рақамига тўлов ҳоқини

Мусулман кўча 1 уй

Ўлар: 100022 860332217011503018002

ШНН: 307305183

Сўраш Директор Фозиллаева

Ҳужа 2/б: 23402000300100001010

УФД: 00014 0144: 20/12.919

Мусулман

Мусулман